

ХИТОЙ ТИЛИДА «ОҒИЗ ВА ТИЛ» СОМАЛАРИ БИЛАН КЕЛАДИГАН ИБОРАЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-9-15>

Акимов Таир

Катта ўқитувчи, Phd

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Akimov.t@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада хитой тилида “嘴, 口 оғиз ва 舌 тил” сўзлари билан боғлиқ ибораларнинг лингвомаданий томонлари мисоллар билан таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. Хитой халқининг “оғиз ва тил” сўзлари шитирок этган ибораларда хитой миллатининг менталитети, урф-одатлари, ирим-сиримлари акс эткан бўлиб, оғиз ва тил яхши хабарни ҳам, ёмон хабарни ҳам етказишда катта рол ўйнаши ибораларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, оғзаки нутқда кўп қўлланилади. Улар мақташ, ҳақорат қилиш, гийбат қилиш маъноларини англатиб келади.

Калит сўзлар: соматик, фразеологизм, дунёнинг сурати, лисоний тасвир, мақташ, ҳақорат, гийбат.

ЛИНГВОКУЛЬТУРНОЕ ИЗУЧЕНИЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ С СОМАТИЗМАМИ "РОТ И ЯЗЫК " НА КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ

Акимов Таир

Старший преподаватель, Phd

Ташкентский государственный университет востоковедения

Akimov.t@mail.ru

Аннотация: В данной статье проведено лингвокультурное изучение фразеологизмов связанных с соматизмами “嘴, 口 рот и 舌 язык” в китайском языке. Менталитет, обычаи и ритуалы китайской нации отражены в фразеологизмах китайского народа. Фразеологизмы с соматизмами «嘴, 口 рот и 舌 язык» очень часто используется в устной речи, они означают хвалить, восхвалять, оскорблять, сплетничать. А также в этих выражениях отражен тот факт, что рот и язык играют важную роль в передаче как хороших, так и плохих новостей.

Ключевые слова: соматика, фразеологизм, картина мира, языковой образ, похвала, оскорбление, сплетни.

LINGUOCULTURAL STUDY OF PHRASEOLOGICAL UNITS WITH SOMATICS "MOUTH AND TONGUE" IN THE CHINESE LANGUAGE

Akimov Tair

Senior Lecturer, PhD
Tashkent State University of Oriental Studies
Akimov.t@mail.ru

Abstract: *This article analyzes the linguocultural study of phraseologies associated with somatics “嘴, 口 mouth, and 舌 tongue” in the Chinese language. The mentality, customs, and rituals of the Chinese nation are reflected in the phraseological expressions of the Chinese people. Phraseological expressions with somatisms “嘴, 口 mouth and 舌 tongue” are very often used in oral speech, they mean to praise, insult, and gossip. Moreover, these idioms reflect the fact that mouth and tongue play an important role in conveying both good and bad news.*

Keywords: *somatics, phraseology, idioms, world picture, linguistic image, praise, insult, gossip.*

Хитой тилидаги иборалар хитой халқининг сўзлашув тилида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, хитой тилшуносликининг ажралмас бўлимларидан бири ҳисобланади. Кўпчилик тилшунос олимларнинг қизиқишини борган сари кўпроқ ўзига жалб қилиб бораётган фразеология соҳаси тинимсиз ривожланиб бормоқда. Табиийки мана шу соҳага қизиқиб, айти шу соҳада илмий изланишлар олиб боришнинг муваффақияти бевосита хитой тилини яхши билишга ундайди. Ҳар бир халқ тилидаги мақол ва иборалар асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажрибалар асосида сайқалланиб, турли воситалар билан келажак авлодларга мерос қилиб қолдирилади. Шу сабабдан ҳам улар бебаҳо мерос ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, халқнинг бой тарихий - маданий, этник-маънавий тажрибалари, ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, яъни унинг ўзигагина хос оламнинг лисоний манзараси тил воситасида шаклланигани каби мазкур тажрибаларнинг барчаси айнан халқнинг тилида ўз ифодасини топади.

Жаҳондаги кўпчилик тиллардаги ибораларнинг катта қисмини соматик иборалар ташкил этади. Соматик иборалар таркибида соматизмлар, яъни инсон тана аъзолари номларини билдирувчи сўзлар қатнашган бирликлардир. Айнан соматик ибораларда ҳар бир халқнинг кўп асрлик тажрибаси, турмуш тарзи, маданияти, маънавияти, урф-одатлари ва анъаналари ўз аксини топган бўлади. Жаҳон тилшунослигида соматик фразеологизмлар доирасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Тилшуносликда инсон тана аъзолари номларига нисбатан қўлланиладиган «соматизм» атамаси илк бор эстон тили фразеологизмларини ўрганган олим Ф.Вакк томонидан қўлланилган эди. Соматик фразеологизмларни бир тил доирасида ўрганиш ишларини 1964 йилда Ф.Вакк ўзининг номзодлик диссертациясида бошлаб берди. У замонавий эстон бадий тилидаги соматик фразеологизмларни ўрганиш ва «соматизм» атамаси моҳиятини кенг қўламда ёритиб берди. У мазкур диссертациясида соматизмлар фразеологизмларнинг

қадимги кўринишлари қаторига киришини ва эстон тили фразеологик фондининг анчагина қисмини ташкил этишини таъкидлаган эди [1].

Соматик фразеологизмларнинг тадқиқида алоҳида эътибор уларнинг коммуникатив-прагматик, семантик-прагматик ва стилистик-прагматик функцияларига қаратилади[2]. Шу билан бирга айтиш мумкинки, лисоний прагматиканинг тадқиқот объекти сифатида прагматик маълумот тушунчаси олинган. Прагматик маълумот тушунчаси остида мулоқотдаги коммуникатив мақсад, тилнинг турли воситалари орқали тингловчига таъсир этиш англатади. Инсон нутқи ўзининг ранг-баранг жиловланиши, сермаънолиги ва бўёқдорлиги орқали ифодаланади. Инсон нутқининг турли маънолар орқали жиловланишини, тингловчига маълум ҳиссиёт бағишлашини тилда фразеологик бирликлар намоён этади. Фразеологик бирликлар кўчма маънога эга бўлиб, сўзловчининг ниятини тингловчига етказиши [3].

Нутқда фразеологизмларнинг коммуникатив-прагматик жиҳатлари миллий онг ҳамда миллий маданиятни воқелантиради. Маълумки, ҳар қайси халқнинг маданияти, урф-одати, анъаналари тилда ҳам акс этади. Хитой тилида соматик иборалар ўзининг эмоционал-экспрессивлиги билан ажралиб туради.

Мисол: 我劝劝你, 说你几句是为你好, 这就叫“苦口良药”利于病, 忠言逆耳利于行. Таржимаси: *Мен сенга маслаҳат бермоқчиман, аччиқ гапларим қулогинга ёқмасада, сенга бу сўзларим “аччиқ дори дардга даво” бўлгани каби фойдадир.*

苦口良药 kǔ kǒu liáng yào [5]. Сўзма-сўз таржимаси: “*Аччиқ дори дардга даво*”. Бу иборага когнатив ёндашадиган бўлсак, дори аччиқ бўлсада, у касални даволайди. Баъзан гапириш, танбеҳ беришга журъат этиши, қаттиқ қўл бўлиши мумкин, аммо сўзловчининг қалбида ёмон ният йўқ бўлиб, самимий маслаҳат бериш маъносида қўлланилади. Танбеҳ аччиқ дори каби ёқимсиз туюлиши мумкин, лекин чин юракдан айтилган сўзлардир. Бу иборادا яхши дорининг таъми аччиқ бўлсада, беморни даволашда ёрдам беради.

林那然 含“口”字的汉泰成语探析 Lin Naran “口 оғиз” сўзи иштирокидаги хитой ва тайланд тилларидаги ибораларни таҳлилга тортган бўлиб, икки миллат тилларидаги ибораларни қиёсий ўрганар экан, тилнинг когнатив қоидалари ва сабабларини аниқлаш учун метонимия ва метафора назарияси нуқтаи назаридан ўрганишга ҳаракат қилган.

守口如瓶 shǒu kǒu rú píng. Сўзма-сўз таржимаси: *Оғзини бутилканинг қопқоғини ёпгандай ёпмоқ (сир сақламоқ).*

但由于其董事会守口如瓶, 从不谈及债务问题, 所以具体负债情况如何, 不得而知 dàn yóuyú qí dǒngshìhuì shǒu kǒu rú píng, cóng bù tán jí zhàiwù wèntí, suǒyǐ jùtī fùzhài qíngkuàng rúhé , bù dé ér zhī – *Бироқ, унинг оғзи маҳкам бўлганлиги сабабли бошлиқлар кенгашида қарз масалалари ҳақида гапирмади, шунинг учун қарзнинг аниқ ҳолати номаълум.*

Баъзибир одамлар сирни сақлай олмасдан бошқаларга гапириб қўядиган ҳолатлар жуда кўп учрайди. Хитойликлар сирнинг очилиб қолмаслиги учун “守口如瓶” оғзингни бутилканинг қопқоғини ёпгандай ёпиб юр, бошқаларга умуман гапирма, сир сақла деган маънода қўлланади.

Хитой тилидаги фразеологик бирликларда қарға асосан салбий маъноларни ифодалаб келади. Масалан:

人的嘴巴比乌鸦嘴长 *rén de zuǐbā bǐ wūyāzuǐ cháng*. Сўзма-сўз таржимаси: Одам оғзи қарғанинг оғзидан ҳам узун (оғзига элак тутиб бўлмас).

Бу ибора сўз тарқатадиган, бўлиб ўтган бирор ишни кўчага ёдиган, оғзида гап турмайдиган одамларга нисбатан айтилади.

我们家发生的事情，现在可传遍了村子，你只好放宽心，因人的嘴巴比乌鸦嘴还要长 *wǒmenjiā fāshēng de shìqíng, xiànzài kě chuán biàn le cūnzi, nǐ zhǐ hǎo fàngkuān xīn, yīn rén de zuǐbā bǐ wūyā zuǐ hái yào cháng* – Бизнинг оилада содир бўлган воқеа энди бутун қишлоққа тарқалиб кетди, сен яхшиси юрагингни кенг қил, одамларнинг оғзи қарғанинг оғзидан ҳам узун бўлиб кетган.

Хитой тилида “тили шакар, дили заҳар” иборасининг синонимлари жуда кўпдир: 嘴甜心酸 *zuǐ tián xīn suān*; 口蜜腹剑 *kǒu mì fù jiàn*; 嘴甜心苦 *zuǐ tián xīn kǔ*; 口是心非 *kǒu shì xīn fēi*; 口服心不服 *kǒu fú xīn bù fú*.

她看起来是个好人，一旦跟她工作久了才发现，她是嘴甜心酸 *Tā kànqǐlái shì gè hǎorén, yí dà n gē n tā gōngzuò jiǔ le cái fā xiàn, tā shì zuǐ tián xīn suān* – У яхши одамга ўхшарди, лекин у билан узоқ вақт ишлагандан сўнг унинг тили шакар, дили заҳарлигини пайқадим.

Одамлар бир-бирлари билан танишганда ўзларининг яхши томонини кўрсатишга ҳаракат қилишади. Инсоннинг характерини билиш анча қийин бўлиб, у билан узоқ вақт ишлагандагина билиш мумкин.

嘴上无毛，办事不牢 *zuǐ shàng wú máo , bàn shì bù láo*. Сўзма-сўз таржимаси: Оғзида туки йўқ, қилган иши яхши эмас (бола - қилган ишинг чала)[4].

Бу ибора ёшларнинг ҳали ишга пишмаганлигини, қилган ишининг мустаҳкам эмаслиги, қўлининг учида қилган ишнинг яхши эмаслигини англатади.

牛头不对马嘴 *niú tóu bú duì mǎ zuǐ*. Сўзма-сўз таржимаси: Сигирнинг оғзи отнинг оғзига тўғри келмабди (боғдан келса, тоғдан келмоқ).

你会答的问题很牛头不对马嘴 *Nǐ huì dá de wèntí hěn niú tóu bú duì mǎ zuǐ* – Сен саволларга тоғдан-боғдан жавоб бердинг.

苦口婆心 *kǔ kǒu pó xīn*. Сўзма-сўз таржимаси: Тили аччиқ кампирнинг қалби (жон куйдирмоқ, куйинмоқ; меҳрибон ва самимий бўлмоқ; самимий маслаҳат бермоқ).

Ёши катта кампирлар ҳаётда кўпни кўрган, бой тажрибаларга эга бўлиб, тинмасдан яхши одам бўлиш учун, яхши илм олиш учун аччиқ гапирса ҳам

қалби пок бўлиб, яхши ишларни қилишга ундайди. Бу ибора яхши ният ва сабр билан кўндириш маъносида бўлиб, зерикмасдан сабр билан самимий ниятда маслаҳат бериш маъносида қўлланилади.

今天你不听父母苦口婆心的劝告，总有一天你会后悔 *Jīntiān nǐ bùtīng fùmǔ kǔ kǒu pó xīn de quàngào, zǒng yǒu yìtiān nǐ huì hòuhuǐ* – Бугун она-онангизнинг самимий маслаҳатиға қулоқ солмасангиз, бир кун келиб пушаймон бўласиз.

一口三舌 *yì kǒu sān shé*. Сўзма-сўз таржимаси: *Оғзи битта, тили учта (чакаги босилмайдиган).*

Бу ибора жуда кўп гапирадиган, бировга сўз бирмасдан тўхтамасдан гапирадиган, чакаги тинмасдан гапириб, бошқаларни бездарадиган кишиларга нисбатан айтилади.

他这人一口三舌，朋友都不愿接近他 *Tā zhèrén yì kǒu sān shé, péngyou dōu bù yuàn jiējìn tā* – У чакаги босилмасдан гапирадиган одам, шунинг учун дўстлари унга яқинлашишни хоҳламайди.

一簧两舌 *yī huáng liǎng shé*. Сўзма-сўз таржимаси: *Бир пружинада иккита тил (бемаънилиқ; бўлмағур гапларни кўп гапирмоқ).*

Бу ибора маъносиз гапларни кўп гапириб, одамларнинг жонига тегиб кетадиган кишиларга нисбатан айтилади.

他说话总是一簧两舌，让人摸不着头脑 *Tā shuōhuà zǒngshì yī huáng liǎng shé, ràng rén mō bù zháo tóunǎo* – У доим бемаъно гапларни гапириб, одамларнинг бошини қоттирарди.

嘴里牙多 *zuǐ lǐ yá duō*. Сўзма-сўз таржимаси: *Оғзида тиши кўп (гапга уста; сўзлаш қобилияти бор; ҳеч кимга сўз бермасдан гапирмоқ).*

算啦算啦！你嘴里牙多，我说不过你 *suànlā suànlā ! nǐ zuǐ lǐ yá duō, wǒ shuōbù guò nǐ [6]* – Бўлди, бўлди! Сен жуда ҳам гапга уста, мен сенга сўз топиб бера олмайман.

嘴多舌长 *zuǐ duō shé cháng*. Сўзма-сўз таржимаси: *Оғзи кўп, тили узун (миш-миш гапларни тарқатмоқ; гийбат қилмоқ).*

Бу ибора тўхтамасдан миш-миш гапларни тарқатадиган, гийбат қилиб, ёмон фикрларни қиладиган одамларга нисбатан айтилади.

她是一个嘴多舌长存心不良的人 *Tāshì yí gè zuǐ duō shé cháng cúnxīn bùliáng de rén* – У бир гийбатчи, нияти ёмон одам.

Хитой тилидаги иборалар асосан тўртта иероглифдан ташкил топган бўлиб, битта иборада оғиз ва тил сомалари бирга келадиган 嘴+舌; 口+舌 иборалар кўп учрайди. Булар мақташ, мадихлаш, лов уриш, мақтаб кўқларга кўтариш, ҳақорат қилиш, маслаҳат бериш, жанжаллашиш, гийбат қилиш каби маъноларни англатиб келади.

Демак, соматик фразеологизмларнинг прагматик хусусиятларини ифодалашда уларнинг экспрессивлик, эмоционаллик, бўёқдорлик,

концептуаллик ва кўчма маъно бағишлаш каби ўлчамларини ўрганмоғимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вакк Ф. О соматической фразеологии в современном эстонском литературном языке: Автореф. дис. канд. филол.наук. –Таллин, 1964. 23 с.
2. Васильев Л.М. Понятийные, семантические и грамматические категории как объект современной лингвосемантики. Материалы и исследования по семантике. – Уфа, 1986. – С. 25-38.
3. Богус З.А. Соматизмы в разносистемных языках: семантикасловообразовательный и лингвокультурологический аспекты: Дисс. ... канд.фил.наук. – Майкоп, 2006. – С.9.
4. Назарова С., Юсупова Х., Артикова З. Амалий хитой тили. Тошкент-2022й. 225 бет
5. 林那然.含“口”字的汉泰成语探析. 湖北科技学院学报.2019年2月
6. 马力 《黑牡丹》.山西古籍出版 2011年
7. 李雅梅. Ochilov O. 《乌汉-汉乌熟语词条对照辑录》 北京: 人民出版社 2011. Li Yamey, Ozodjon Ochilov. “O ‘zbekcha-xitoycha, xitoycha–O ‘zbekcha maqol, matal va iboralar lug ‘ati”, Pekin “Xalq” nashriyoti-2011.
8. Зиямухамедов, Д. Т. (2021). Вопросы передачи национального характера в переводах с китайского языка. тельность всем коллегам, принявшим участие в рецен-зировании статей сборника: МЮ Авдониной, СР Агабабян, ВМ Бухарову, ГМ Василь, 86.

Илова:

1	嘴硬心软	zuǐ yìng xīn ruǎn	Қаттиқ қўл бўлсада, дили юмшоқ
2	嘴尖舌巧	zuǐ jiān shé qiǎo	Гапга чечан
3	口服心不服	kǒu fú xīn bù fú	Оғзида хўп-хўп, кўнглида йўқ-йўқ; тили бошқа, дили бошқа
4	空口无凭	kōng kǒu wú píng	Исботсиз; далилсиз
5	空口白舌	kōng kǒu bái shé	Чақиб олмоқ; зарда қилмоқ
6	空口说白话	kōng kǒu shuō bái huà	Куруқ гап қилмоқ
7	口惠而不实至	kǒu huì ér bù shí zhì	Оғзида бор, амалда йўқ
8	口舌是非	kǒu shé shì fēi	Жанжал; гап-сўз
9	口血未干	kǒu xuè wèi gān	Ваъдасида турмаслик
10	嘴上功夫	zuǐ shàng gōngfu	Оғзида бор, амалда йўқ
11	长舌之妇	cháng shé zhī fù	Ғийбатчи (аёллар)
12	赤口毒舌	chì kǒu dú shé	Тили заҳар
13	贫嘴薄舌	pín zuǐ bó shé	Тили заҳар; ғийбатчи

14	嘴甜心苦	<i>zuǐ tián xīn kǔ</i>	Тили шакар, дили заҳар
15	口齿不清	<i>kǒu chǐ bù qīng</i>	Гап-сўзи аниқ эмас
16	口齿伶俐	<i>Kǒu chǐ líng lì</i>	Гапга уста
17	搬唇递舌	<i>Bān chún dì shé</i>	Жанжал чиқармоқ
18	金舌弊口	<i>Jīn shé bì kǒu</i>	Қуруқ сўз
19	七嘴八舌	<i>qī zuǐ bā shé</i>	Бири уни гапирса, бири буни гапирмоқ; тараф-тарафдан гапирмоқ
20	钳口结舌	<i>qián kǒu jié shé</i>	Оғзини очолмай қолмоқ; индалмаслик
21	钳口不言	<i>qián kǒu bù yán</i>	Гапирмасдан жим турмоқ
22	心口如一	<i>xīn kǒu rú yī</i>	Тили билан дили бир бўлмоқ
23	信口胡说	<i>xìn kǒu hú shuō</i>	Оғзига келганни гапирмоқ
24	心服口服	<i>xīn fú kǒu fú</i>	Чин дилдан қойил бўлмоқ
25	舌锋尖利	<i>shé fēng jiān lì</i>	Тили ўткир
26	舌敝耳聋	<i>shé bì ě ěrlóng</i>	Деворга гапирмоқ; беҳуда гапирмоқ; эътибор бермаслик
27	调嘴弄舌	<i>diào zuǐ nòng shé</i>	Бировнинг орқасидан гапирмоқ; ғийбат қилмоқ
28	油嘴滑舌	<i>yóu zuǐ huá shé</i>	Гапга чечан
29	张口结舌	<i>zhāng kǒu jié shé</i>	Оғзини очолмай қолмоқ; қандай жавоб беришни билмай қолмоқ
30	笨嘴拙舌	<i>bèn zuǐ zhuō shé</i>	Нутқи яхши эмас; гапиришни билмаслик
31	三寸不烂之舌	<i>sān cùn bú làn zhī shé</i>	Гапга уста
32	妄口巴舌	<i>wàng kǒu bā shé</i>	Миш-миш гап тарқатмоқ
33	摇唇鼓舌	<i>yáo chún gǔ shé</i>	Маддоҳлик қилмоқ
34	乖嘴蜜舌	<i>guāi zuǐ mì shé</i>	Ширин сўзлик
35	掉舌鼓唇	<i>diào shé gǔ chún</i>	Мақтанмоқ
36	说嘴说舌	<i>shuō zuǐ shuō shé</i>	Ғийбат қилмоқ
37	改口沓舌	<i>gǎi kǒu tà shé</i>	Гапни бурамоқ
38	高下在口	<i>gāo xià zài kǒu</i>	Беъмани гаплар
39	提心在口	<i>tí xīn zài kǒu</i>	Така-тука бўлмоқ
40	勉强糊口	<i>miǎn qiǎng hú kǒu</i>	Зўрга кун кўрмоқ; бир амаллаб кун кўрмоқ